



БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бухоро давлат университети, мактабгача таълим кафедраси
ўқитувчиси
М. Қосимова

Аннотация.

Мақолада бошланғич таълим жараёнини модернизациялашнинг мазмуни, унинг аҳамияти ва зарурати, дарс жараёнига замонавий ёндашувлар, ҳамкорликда ўқитиш технологиясини қўллашда ўқитувчи ва ўқувчига қўйилган педагогик ва психологик талаблар, ўқувчиларга ўқув фаолиятининг шакли ва турини танлаш имкониятига эга бўлган тенг ҳуқуқли субъектлар сифатида намоён бўлишларини таъминлашга оид тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: бошланғич таълим, модернизация, замонавий ёндашувлар, ҳамкорликда ўқитиш технологияси, педагогик ва психологик талаблар, тенг ҳуқуқли субъектлар, таълим сифати, педагогик ҳамкорлик, ақлий фаолият.

Бошланғич таълим жараёнини модернизациялаш учун, биринчи навбатда, методик муаммоларни ҳал қилишга йўналтирилган анъанавий ҳамда замонавий ёндашувларни муваффақиятли уйғунлаштириш лозим. Модернизациялашнинг муваффақиятли кечишини таъминлаш шартларидан яна бири бошланғич таълимнинг асосий йўналишларини дидактик жиҳатдан қамраб олишда намоён бўлади. Шундагина, бошланғич таълим жараёнини инсонпарварлик тамойиллари асосида ташкил этиш, табақалаштириш, ўқув жараёнини фаолиятли ёндашув ҳамда шахсга йўналтирилганлик принциплари асосида ташкил этиш эҳтиёжи қондирилади.

Бошланғич таълим жараёнида ҳар бир ўқув предмети ўқувчиларни интеллектуал ҳамда ҳиссий ривожлантириш манбаига айланиши лозим. Бу жараёнда ўқувчиларнинг билим олишга қизиқишлари, катталар ва тенгдошлари

билан мулоқот қилиш майллари, ўз фикрини тўлиқ баён қилиш имкониятларини кенгайтириш талаб этилади.

Дарсликларнинг янги авлодида татбиқ этиладиган методик ёндашувлар ўқувчиларнинг ўзлаштириладиган материалларни тушунишлари учун қулай бўлиши лозим. Ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамда ўқувчилар билан ўқувчиларнинг ҳамкорликда фаолият кўрсатишларига эришиш учун муваффақиятли вазиятларни вужудга келтириш талаб этилади. Шу билан бир қаторда дарсликлардаги ўқув материаллари бошланғич синф ўқувчиларида ҳаракатлар ва тушунчаларни ўзлаштиришнинг умумий усулларини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчилари қонуниятлар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларни англаб етишлари муҳим ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ўқув-тарбия жараёнида ўқув ишларининг ўзаро алоқадор бўлган турли шакллари ва усулларида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлишлари зарур.

Ўқув предметлари мазмунига топшириқлар тизимини сингдиришда билимлар, маълумотларнинг мазмуни ва уни ўзлаштирадиган ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, мантиқий фикрлаш даражалари билан сезгилари, сўз ҳамда кўргазмали тимсоллар, анланган ва анланмаган ҳолатлар, ҳодисалар, тахминий ва чуқур ўйланган фаразлар орасидаги мутаносиблик таъминланиши лозим. Ўқув предметлари мазмунининг ўзига хослиги ўқитиш методикасида ўз ифодасини топади.

Бошланғич таълим мазмуни ўқувчиларда ақлий фаолият усуллари, ўқув жараёни мазмунини ўзлаштиришда уларнинг истиқболга йўналтирилган муваффақиятли фаолиятлари, ўқув масалаларини тушунишлари, “ўқитувчи-ўқувчи”, “ўқувчи-ўқувчи” орасидаги ҳамкорлик муносабатлари, муваффақият вазиятларида ҳар бир таълим олувчининг самарали фаолиятини назарда тутган ҳолда танланишига эътибор қаратилади.

Ҳамкорликда ўқитишда бошланғич таълим мазмунининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда намоён бўлиши керак:

- ягона методологик, методик, дидактик ва психологик тизимнинг амал қилиши;
- бошланғич синф ўқувчилари ва ҳар бир таълим олувчининг психологик хусусиятлари максимал даражада ҳисобга олинганлиги;
- ўқувчилар онгида оламнинг яхлит манзараси шакллантирилиши;
- фанлараро алоқадорлик ва ўқув фанлари мазмуни орасида интеграциянинг шаклланганлиги, ҳар бир ўқув предмети ва барча ўқув фанлари учун хос бўлган хусусиятларнинг ҳисобга олинганлиги;
- нафақат методик ва дидактик материаллар, ёки назоратнинг турли кўринишлари, балки тестлардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда ўқимишлиликни таъминлаш динамикасининг мужассамлаштирилиши;
- бошланғич синф ўқитувчиларини авторитар иш услубидан педагогик ҳамкорлик ва шахсий мулоқот вазиятларига ўтказилиши; бунда ўқувчиларнинг билим даражаларини ва ҳохишини ҳисобга олган ҳолда дарсликларда ҳар бир ўқувчининг шахсий таълим траекторияларини танлаши учун имконият яратилиши;
- дарсларнинг ташкилий шакллари ўзгартириш учун имконият яратилиши: жамоавий иш шаклидан кичик гуруҳларга, ундан эса аралаш шаклларга ўтишнинг таъминланиши;
- ўқитувчининг педагогик қувватлари ва касбий маҳоратидан янгича ўқув вазиятларини ташкил этишда максимал даражада фойдаланишга эришилиши;
- ягона нутқ компетенциясини амалга ошириш; бунда Савод ўргатиш, Она тили, Ўқиш, Рус тили (рус мактаблари учун Ўзбек тили) ва чет тилларни ўзаро интеграциялаш усулларида фойдаланган ҳолда ўқувчиларга ўргатишнинг таъминланиши;

- бошланғич таълим жараёнида ўқувчиларда фуқаролик ва фидойилик туйғуларини шакллантиришнинг янги концепциялари татбиқ қилиниши;
- ўқувчиларни ортиқча юкламалардан халос қилиш асосида уларнинг интеллектуал ривожланиши учун қулай шроитнинг яратилиши;
- ўқув фанлари мазмунига таянган ҳолда бошланғич синф ўқувчиларида маданий етуклик сифатлари, мустақиллик, қабул қилинган қарорлар учун жавоб бера олиш лаёқатига эгалик кўникмаларининг шакллантирилиши кабилар.

Ўқувчилар учун мўлжалланган таълим воситалари ўқитувчи томонидан ўқитишнинг янги шакллари, методлари ва усулларини тақдим этиш асосида такомиллаштирилади. Бундай воситалар сирасига табақалаштирилган ишлар учун мўлжалланган топшириқлар, мантиқий характердаги машқлар, ўқувчиларни атроф-муҳит билан таништиришга бағишланган саволлар ва топшириқлар, баҳолаш, ўз-ўзини баҳолаш ва назорат қилиш характеридаги топшириқлар ҳамда туркум машқларни киритиш мумкин.

Бошланғич таълим мазмунини модернизациялашда ҳамкорлик педагогикасига таяниш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Чунки ҳамкорликдаги фаолият технологияси ёрдамида бошланғич таълим жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал қилинади:

- кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга ўз қувватларини имкон қадар тўлиқ рўёбга чиқаришлари учун кўмаклашиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини намоён қилишига имконият яратиш;
- бошланғич синф ўқувчиларида ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш, ўзаро мулоқотга киришишлари учун зарур бўлган шахсий сифатларни шакллантириш;
- ҳар бир ўқувчининг рухий ҳамда ҳиссий жиҳатдан осойишталигини таъминлаш кабилар.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёни мазмунини танлаш асосида унинг самарадорлиги таъминланади.

Ўқувчининг тажрибаси унинг ёши билан бир қаторда моддий борлиқни англаш даражасини ҳам ифодалайди, ўқув жараёнига ҳар томонлама мослашишини таъминлайди.

Бошланғич таълим жараёнида ўқувчилар ўқув фаолиятининг шакли ва турини танлаш имкониятига эга бўлган тенг ҳуқуқли субъектлар сифатида намоён бўлишлари керак. Ҳар бир ўқувчига ўқув материални ўзлаштиришнинг шахсий траекторияларини танлаш ҳуқуқини бериш орқали уларнинг интеллектуал, жисмоний, руҳий ривожланишларини таъминлаш имконияти яратилади. Ўқув предметларининг мазмуни асосида оламнинг яхлит манзарасини идрок этишлари учун қулай шароит вужудга келтирилади. Бошланғич синфларнинг барчаси учун яратиладиган дарсликлар ягона таркибга эга бўлиши, улар ёрдамида топшириқларнинг изчил тизими, ўқув жараёни ва синфдан ташқари таълим-тарбия жараёни учун ягона ёндашув амал қилиши керак.

Ҳамкорликдаги ишларни ташкил этиш ўзида қуйидаги асосий ҳолатларни мужассамлаштиради:

- 1) дастлабки муаммонинг қўйилиши;
- 2) муаммоларнинг таҳлили ва зарур ахборотлар ҳақида маълумотлар бериш. Бу жараёнда эксперт вазифасини ўқитувчилар ҳамда ўқувчиларнинг ўзлари бажарадилар. Бунинг учун улар муайян тайёргарликка ҳам эга бўлишлари лозим;
- 3) муаммони ечиш имкониятларини аниқлаш;
- 4) ҳар бир ўқувчи ўз шахсий тушунчаси доирасида муаммоларни қайта шакллантиришига эришиш;
- 5) шакллантирилган муаммолардан қулай вариантини танлаш;
- 6) ҳамкорлик учун асосий бўлган босқич томон силжиш;
- 7) қўйилган муаммо таркибида ифодаланган талабларга асосланган ҳолда ёндашувлар ёки тайёр ечимларни баён қилиш кабилар.

Ҳамкорликда ўқитиш таълим технологияси асосида бошланғич синфларнинг таълим мазмуни қуйидаги принципларга таянган ҳолда модернизациялаштирилиши лозим:

1. Таълим мазмунининг ўқувчи шахсига йўналтирилганлиги - уни ўқув жараёнига мослаштириш ва руҳий қулайликни таъминлаш асосида ривожлантиришга қаратилганлиги;

2. Таълим мазмунининг ўзбек халқи маданиятини ўқувчилар онгига етказишга йўналтирилганлиги - мазмуннинг яхлитлиги, моддий борлик манзарасини ифодалашга қаратилганлиги, тизимлилиikka асосланганлиги, оламга нисбатан фикрий муносабатда бўлиш кўникмасини шакллантиришга хизмат қилиши, билимларнинг йўналтирувчилик вазифасига эгалиги, маданиятга дунёқараш ва маданий қобик сифатида урғу берилганлиги;

3. Фаолиятли йўналтирилганлиги – фаолиятга ўргатиш, фаолиятдан ўқув вазиятига, ундан ҳаётий вазиятларга ўтишнинг муҳимлиги, ўқувчининг ҳамкорликдаги ўқув-билув фаолиятига ўтиши, яқин ривожланиш кўламига эгалиги, ўз-ўзича ривожланишга таянган ҳолда ижодий ривожланиш ва ижод қилишга бўлган эҳтиёжнинг шаклланиши кабилар.

Ушбу принциплар билан бир қаторда ҳамкорликда ўқитиш мазмунини бошланғич таълим тизимига сингдиришда қуйидаги ҳолатларга ҳам таянилади:

- а) ўқувчининг истиқболдаги ривожланишга тайёрлаш;
- в) бошланғич таълимда минимакс принципининг амал қилиши, бунда энг юқори даражадаги баҳолар ва оз миқдордаги белгилар шиорига амал қилиш;
- г) соғлиқни сақлашга йўналтирилган методикаларни татбиқ этиш кабилар.

Ҳамкорликнинг характерли жиҳатлари изланувчанлик фаолиятининг биргаликда амалга оширилишидадир. Ҳиссий-образли муҳокама ва танлов натижасида шахслараро мустаҳкам ҳамкорликдаги ҳаракат вужудга келади. Ҳамкорликка оид қатъий талабларнинг ишлаб чиқилганлиги уни ўқув жараёни билан биргаликда амалга ошишига асос бўлади. Шу билан бир қаторда, мазкур

метод билан ишлаш ўқитувчидан муайян педагогик-психологик маҳорат ва юқори даражадаги фидойиликни талаб қилади.

Ҳамкорликда ўқитиш таълим технологиясидан фойдалани жараёнида билиш субъекти сифатида ҳар бир ўқувчи эмас, балки ўқувчилар гуруҳи намоён бўлади. Бу ўринда ўқитувчи билан ўқувчилар гуруҳи “субъект-субъект” муносабатларига киришадилар. Педагогик ҳамкорлик универсал методологик парадигма таркибига киради ва у ижтимоий педагогик ҳодиса сифатида ўқув жараёнининг таркибий қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам, педагогик ҳамкорлик таълим жараёни субъектлари фаолиятини уйғун тарзда ташкил этиш имконияти сифатида талқин этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева Қ.А., Сафарова Р.Ф. ва бошқ. Бошланғич таълим концепцияси. // Бошланғич таълим ж. –Т.: 1998. -№6. – Б. 12-18.
2. Абдуллаева Ш.А. Ҳамкорлик педагогикаси.-Тошкент: фан ва ахборот технологиялари, 2017.-178 бет.
3. Адизов Б.Р. Бошланғич таълимни ижодий ташкил этишнинг назарий асослари: Пед. фан. док. дисс... –Т.: 2003. – 320 б.
4. Айдарова Л.И. Деятельность школьника.М:Просвещение, 1990. –С. 47-78.
5. Дилова Н.Ғ. Педагогик ҳамкорлик воситасида таълим сифати ва самарадорлигини таъминлаш имкониятлари //Халқ таълими. – Тошкент, 2012. – № 3. – Б. 76 -77. (13.00.01 №17)
6. Дилова Н.Ғ. Таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланишнинг афзалликлари //Узлуксиз таълим. – Тошкент: 2016. – № 2. – Б.3 -7. (13.00.01 №9)